## Депутат ва ҳаёт

**Бундан бир неча ойгина муқаддам Иттифоқимизнинг барча бурчакларида қизғин давом этган сайловолди учрашувлари ҳаммамизнинг ёдимизда. Халқнинг энг муносиб вакиллари унинг бугунги ва эртанги куни, ютуқ ва муаммолари билан яшовчи инсонлар депутатликка номзодликка кўрсатилди.**

**Номзодлар эса ўз ўрнида бундай учрашувларда шахсий платформалари билан чиқишиб, улкан вазифаларни адо этишга ваъда беришди. Мамлакатнинг энг олий органига муносибларнинг муносиблари сайландилар. Эндиликда шаҳар ва район Советлари депутатларини ҳам ана шу тажриба асосида сайлаш ниҳоятда муҳим. Қоғозбозлик, юқори аппаратларнинг кўрсатмалари ва кўр-кўроналик билан сайлов яшикларига бюллетенларни ташлашдан бугун ҳеч ким манфаатдор эмас. Маҳаллий Советларга сайловлар яқинлашаётган бир пайтда жойларда халқ ва депутатларнинг муносабатлари қандай, ишончли вакиллар бугунгача қандай вазифаларни амалга оширдилар, келажак режалар қандай!**

# Ваъдага вафо керак

Яқинда шаҳримизнинг Акмал Икромов районидаги «Бекобод» маҳалласида бўлиб ўтган учрашувда шаҳар мутасадди раҳбарлари ҳамда депутатлар бу саволларга жавоб беришга ҳаракат қилдилар. Мазкур район территориясининг бир қисмини кўп қаватли уйлар эгаллаган бўлса, каттагина майдонда хусусий уйлар, ўнлаб маҳаллалар жойлашган. Турар жой аҳолиларига қандай хизмат кўрсатишяпти? Учрашувда мана шу масалалар юзасидан қизғин мунозара олиб борилди. Қуйида биз сўзга чиққан ўртоқларнинг фикрлари билан танишамиз.

— Маълумки, Акмал Икромов районидаги Бешқайрағоч массиви 1966 йилги зилзила оқибатида қурилган эди, — деди йиғилишни очган Акмал Икромов райони маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштириш кенгашининг раиси, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти ўқитувчиси Саидраҳмон Шодиевич Мирзаев. — Аҳоли ўз маблағлари ҳисобига турар жойларни барпо этаётган пайтда мутасадди ташкилотлар болалар боғчаси, телефон, транспорт ишини ташкил этишга ёрдам берамиз, деб ваъдалар берган. Афсуски бир неча йиллардан буён бу ваъдалар тўлиқ адо этилмаяпти. Очиғини айтганда бугун нафақат районда, балки шаҳримизда ҳам ғалати аҳвол юзага келган. Шаҳарнинг бир қисмида хусусий уй-жойларга эга бўлган ерли аҳоли, иккинчи қисмида эса давлат томонидан қурилган кўп қаватли биноларнинг эгалари истиқомат қилишади. Айни пайтда иккаласининг ижтимоий аҳволини солиштириб кўрсангиз, орасидаги катта тафовутни кўрасиз. Бу авваламбор уйлардаги шароитларга тегишли. Қолаверса болалар муассасалари ўртасидаги фарқ ҳам кўзга ташланади. Биргина бизнинг массивда «атиги» 3 минг ўринли боғча етишмайди. Кино-театр каби маданият муассасалари ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Яна шуниси қизиқки, биз билан чегарадош бўлган Чилонзор районида канализация 100 фоиз ўтказилган бўлса, бизда ҳатто водопровод ҳам бу кўрсаткичга етишолмаяпти. Биз раҳбар ташкилотлардан яшаш шароитларини яхшилашни узоқ талаб қилдик. Ҳайрон қоладиган томони, талабларимизга бирорта раҳбар рад жавобини бермайди. Аммо натижадан ҳам дарак йўқ. Балки бунда етарли талабчанлик кўрсатмаётганимиз учун ўзимиз ҳам айбдордирмиз. Қолаверса ҳамма талабларни фақат бир-икки нафар раҳбарлар зиммасига юклаётганлигимиз ҳам нотўғридир. Район маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши аъзолари маслаҳатлашиб, шу тўхтамга келдик-ки, депутатларнинг иши ҳам мувофиқлаштирилмас экан, ижобий ўзгаришнинг бўлиши қийин. Бугунги йиғилишдан мақсад ҳам депутатлар соҳаси ва ваколатини ҳисобга олиб, улардан қай бири қайси талабларни бажаришини аниқлаб олишдир.

— Тошкентда 800 мингдан зиёд аҳоли маҳаллаларда яшайди, — дейди Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари Қ. М. Рафиқов. — Улар ҳозиргача ўз муаммолари билан юқори ташкилотларга кўп мурожаат қилишмаган. «Бола йиғламаса, она сут бермайди» деган нақл бор халқимизда. Лекин ҳозир хусусий уй-жойлардаги муаммолар халқнинг ҳақли талабига асос бўлаяпти. Бу борада шаҳар ижроия комитети «Маҳалла» программасини тузиб чиқди. Маҳаллаларнинг 2010-йилгача бажарилиши лозим бўлган ижтимоий аҳволи ушбу программа орқали ҳал бўлади.

Навбатдаги сўзни СССР халқ депутати Й. Акбаров олди:

— Маълумки, халқ депутатларининг I съездидан сўнг, Олий Советнинг комиссияси ўз ишини бошлади. Мен транспорт бўйича комиссиянинг ишида қатнашдим. Хуллас, 5 августда Тошкентга келдим. 26 августда биринчи қабулим бўлди. Одамларнинг талабларини эшитяпман. Лекин одамлар нима учундир район ва шаҳар Совети ҳал қила оладиган кичик талаблар билан СССР халқ депутатларининг олдига келишяпти. Йўқ, бу билан мен халқ талабларини бажаришдан бош тортаётганим йўқ. Лекин ҳар ҳолда ҳар бир депутат ўз ваколати даражасида ҳаракат қилиши керак. Ахир биз баъзи шахсларнинг ваннасини тешилиб қолгани ёки водопровод жўмраги бузилиб қолгани ҳақидаги талабларини бажариш билан шуғуллансак, республикамиздаги қатор муаммолар ҳал бўлмай қолиб кетаверади-ку. Ваҳоланки бизда бундай вазифалар жуда кўп. СССР халқ депутатларининг I съездидан қайтганимиздан сўнг, сайловчилар сўзга чиқмаганимиз, муаммоларни кўндаланг қўя олмаганимиздан кўпчилик норози бўлди. Лекин кўплаб депутатлар, жумладан мен ҳам сўзга чиқишни сўраб, президиумга бир неча бор хат ёздим. Бироқ бунинг имкони бўлмади. Тан олишимиз керак, сайловолди кампаниясида номзодлар депутатлик учун астойдил курашиб, платформалари билан чиқишди, катта ваъдалар берилди. Биз ана шу тортишувлар билан республиканинг умумий талаблари программасини ишлаб чиқа олмадик. Ҳолбуки Москва ва Болтиқбўйи республикаларининг группалари съезддан анча илгариёқ катта муаммоларни акс этган программалари билан келишганди.

Навбатдаги сессияларда бундай ҳамжиҳатлик биз учун мактаб бўлади деб ўйлайман.

Мен ҳозиргача кўплаб одамлар билан учрашдим. Ҳозир уларнинг наказларини бажаришга ҳаракат қиляпман. Шахсий платформамда ўз олдимга қўйган вазифалар юзасидан эса зарурат туғилса республика ва иттифоқ раҳбарларига мурожаат этиш ниятидаман.

— Йўлдош ака, бугун биз боғча таъминоти, маданий муассаса ва эътибор зарур бўлган барча ижтимоий соҳалар рўйхатини тузиб чиққанмиз. Сиз бу масалалардан қайси бирини қачон ҳал қилиб беришни зиммангизга оласиз?

— Албатта бу вазифаларни ҳал қилиш учун маблағ керак. Планга киритилган бўлса, бажаришга ҳаракат қиламиз.

— Сизга маълумки, бу масалалар Олий Советда қайта кўрилади. Сиз унинг аъзосисиз. Бюджет, планлаштириш масалалари хусусида Давлат план комитетига мурожаат қилиб, унга ўзгартиш киритишни талаб қилишга ҳақлимисиз?

— Албатта.

—Сиз ҳал қилмасангиз, яна кимга ишонайлик? Демак, боғча таъминоти масаласини сизнинг зиммангизга юклаб, шу муаммони ечиб беришни сиздан талаб қиламиз.

Ҳал қилиниши ҳаёт зарурати бўлиб турган муаммолардан бири бу — хотин-қизларнинг яшаш ва ишлаш шароитини яхшилаш масаласи. Бу соҳада депутат Дилбар Қосимовадан сайловчиларнинг умиди катта.

— Албатта ҳаммамиз мустақил фикрга эгамиз, — дейди маҳалла фаолларининг мурожаатига биноан СССР халқ депутати Дилбар Қосимова. — Съезддан қайтгач, наказларни бажаришга киришдим. Сергели, Фрунзе, А. Икромов ва Чилонзор район ижроия комитетларига талабномалар бердим. Аммо ҳозирча уларга жавоб бўлмаяпти. Талаб қилиш яна давом этади. Жумладан, Тошкент аэропортини четга чиқариш муаммоси ҳал бўлиш арафасида.

Хотин-қизлар меҳнатини уйда ташкил қилиш борасида, республика хотин-қизлар комитетидан сайланган СССР халқ депутати Р. Убайдуллаева билан ҳамкорликда иш олиб борадиган бўлдик. Умуман, районимиздаги аёлларни ишга жалб қилиш ва кўп тармоқли касалхона аҳволини яхшилаш масалаларини тез орада бажаришга ҳаракат қиламан.

Ўзбекистон Олий Советининг депутати А. Ф. Змеевскийга берилган саволлар бир-бирини такрорларди.

— Анатолий Фёдорович, магазинларимиз қурилишини назоратга олинг, чунки савдо қилиш учун ҳеч қандай шароит йўқ.

— Нима учун массивимизда савдо дўкончалари кам?

— Ойбек маҳалласидаги ўзгариш қачон амалга ошади?

Дарҳақиқат, ҳар бир депутатга йиғилган кишиларнинг беҳисоб саволлари кўп эди. Гоҳо илтимос қилиб, гоҳ талаб қилиб бўлса ҳам, кўп йиллардан бери тўпланиб келган ижтимоий муаммоларни ҳал этиб беришни сўрадилар.

— Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида «Маҳалла» программаси устида иш олиб борилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Л. А. Костин. — Хусусий сектордаги уй-жойларда, маҳаллалардаги яшаш шароитлари ҳақиқатдан ҳам кўп қаватли давлат уйларига нисбатан ёмонроқ. Мазкур программа авваламбор ўртадаги ана шу тафовутни йўқотишга қаратилган. Ўтган йили шаҳримизда ўтказилган 15 километрли канализация тармоғининг 7 километри Акмал Икромов районига тўғри келади. Кейинги йили райондаги бу кўрсаткичга яна 15 километр қўшилди. Бугунгача районда кўмир билан ёқиб иситилаётган мактабларнинг борлиги ташвишли, албатта. Шаҳар ижроия комитети бу мактабларни қисқа фурсатда табиий газга ўтказади. Умуман районда иссиқлик, газ, водопровод ва канализация ўтказиш «Маҳалла» программасига киритилган. Унда шаҳар бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишига тахминан 4,5 миллиард сўм сарфлаш кўзда тутиляпти.

Шаҳар Советининг депутати, «Водоканал» тресги бошқарувчиси З. Т. Солихўжаев Л. А. Костиннинг фикрларини давом эттирди.

— Бундан икки ой бурун Ойдин Собирова номли маҳаллада шундай учрашувларимиздан бири бўлиб ўтганди. Ўшанда ҳам водопровод ва канализация тармоқлари қурилиши ҳақида гапиргандик. Шуни айтиб ўтиш керакки районда шу йил охиригача ремонт-қурилиш бошқармаси кучи билан яна 6 километр канализация тармоғи ўтказилади. Кейинги йил эса 15 километр. Буни район маҳаллаларининг водопровод билан тўла таъминланмагани ҳам олдимизга катта вазифаларни қўйяпти. Келгусида Тошкентда сув тармоғи қурилиши учун 75 миллион сўм маблағ ажратиш кўзда тутиляпти. Планга кўра бу тармоқлар дастлаб Шамшид кўчасининг 1—2 проездида, Наби Ғаниев, Оқтепа, Ихтиро, 3-проезд, Нашриёт, Ильич, Садойи ва Уйғур проездларида амалга оширилади. 1990 йил планлари эса Зиё Саид, Собир Раҳимов, Мирзаев, Якдил, Садоқат, Бобур, Ташаббускор, Атоий, Меҳмондўст, Бекобод ва Ҳакимбобоев кўчаларида амалга оширилади.

Йиғилишга тўпланган маҳалла вакиллари хонадонларда мол боқиш истагида эканликлари, лекин унга ем-хашак топиш муаммоси, район партия комитети ва ижроия комитети раҳбарлари бу муаммони ҳал қилишга ваъда бериб, уни дарҳол ёдларидан чиқарганликлари ҳақида гапирдилар.

Шаҳримизнинг Акмал Икромов районида бундай учрашувлар одат тусига айланиб бормоқда. Депутатлар ва шаҳар раҳбарлари билан ўтган навбатдаги йиғилиш ҳам эндиликда эски иш услубларидан, қоғозбозлик ва бюрократия услубларидан воз кечиш зарурлигини кўрсатяпти. Дарҳақиқат, халққа қуруқ ваъда эмас, амалий тадбирлар керак!

**В. МАДИМАРОВА,**
**Ф. ҲУСАНОВА.**



Будапешт. Ер юзи аҳолисига хавф солаётган экологик фожиа муаммосига кўпчилик эътиборини жалб этишга қарор қилган венгриялик ёш ёзувчи Янош Шебеэк ўзига хос ғоядан фойдаланди. У одамларни ҳайвонот оламининг энг ривожланган тоифасига киритиб, уларнинг «турлари» ҳам пойтахт ҳайвонот боғида яшовчилар қаторидан ўрин олиши лозим, деган хулосага келди. Я. Шебеэкнинг ўзи кўнгилли равишда қафаслардан бирига жойлашиб олиб, вақтни бой бермай шу ернинг ўзида зиёратчиларнинг таниқли олимлар, жамоат арбоблари билан учрашувларини ташкил этди, юқоридаги мавзуда суҳбатлар уюштирди. Ёзувчининг нуқтаи назари ўз кучидан фойдаланган одамлар наботот ва ҳайвонот оламини қириб юбораяпти, бу пировард натижада табиатнинг фалокатига олиб келади, деган маънони англатади.

СУРАТДА: Я. Шебеэк (чапда) ва Л. Боглар.

МТИ — ТАСС сурати.

## Венгрия—89

# ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ШУНДАЙ ҚАРОР ҚИЛДИ

«Эртангиз хайрли бўлсин, ўртоқлар» — асли касби адвокат бўлган Ласло Вари Венгриянинг Зала области партиявий раҳбари сифатида ўзининг биринчи нутқини ана шундай сўзлар билан бошлади. Шу лаҳзада унинг ўзи ҳам бўлаётган воқеаларга охиригача ишонмасди. Соат эрталаб 4 дан 30 минут ўтган эди. Саҳаргача чўзилиб кетган ВСИП область конференцияси ҳозиргина янги партия раҳбариятини сайлади. Сайлов кутилмаган натижа берди. Партия конференциясининг делегатлари раҳбар органларнинг состави хусусида илгариги раҳбарият тайёрлаган таклифларни рад этишди ва «кўчадан келган коммунистлар» таклиф этган туб ўзгаришлар программаси учун овоз беришди. Область партия органларининг структураси ўзгарди. Орадан бир кун ўтгач Венгрия газеталарида область партия конференцияси тўғрисида ҳисоботни ўқиган газетхонлар ҳангу манг бўлиб қолишди. Илгариги обком тарқатиб юборилган, унинг аппарати, обкомнинг бўлимлари кераксиз деб топилган эди. Булар ўрнига мувофиқлаштирувчи бюро ва жамоатчилик асосида ишлайдиган раис бошчилигидаги ВСИПнинг область правлениеси сайланган эди.

...Залаегерсеге шаҳрида илгариги партия бошқарувидан ВСИП обкомининг биносигина қолган, бу бино жуда «савлат»ли, шу билан бирга бир оз бегонага ўхшарди. Кенг зиналардан юқорига кўтарилмоқдаман. Расмий бинолар учун типик бўлган важоҳатли қоровул бу ерга нима мақсадда келганимни билгач, биринчи секретарнинг собиқ қабулхонасига кирасиз, деб йўл кўрсатди. Қабулхонанинг эшиклари ланг очиқ, ҳаммаёқни папирос тутуни босиб кетган хонада жинси шим ва ёзги кўйлак кийган бир неча киши қизғин суҳбатлашарди. ВСИП область правлениеси янги раисини ва мувофиқлаштирувчи бюрони қандай топсам бўлади, деб сўрадим. «Худди ўзимизда», дейишди улар ва катта, кўп телефонлар ўрнатилган кабинетга таклиф қилишди.

— Вақти келиб шу бинода, шу кабинетда ишлайсан, дейишса сира ишонмас эдим, — деди жилмайиб область партия раҳбари. — Ҳозир обком биносининг эшиклари ҳамма учун очиқ. Партия одамлар учун қабул кунлари ва қабул соатлари белгилаб қўйишга ҳаққи йўқ. Агар партия «арши аъло»дан пастга тушмаса ҳокимиятдан маҳрум бўлиб қолиши мумкин. Бундан буён эскичасига раҳбарлик қилиб бўлмайди, одамларнинг ишончини қайтадан қозониш керак. Ният нечоғли яхши бўлмасин, эски методлар билан эришиб бўлмайди. Ўзгаришларнинг моҳияти ана шундадир, биз буни Зала областидаги қайта қуриш демоқдамиз. Раҳбарликнинг биз танлаб олган формалари идеал, айни муддао, деб даъво қилмайман, бу тажрибадир. Эҳтимолки, бошқа областларда бошқача шакллар топилар, партияни янгилашга эришиш муҳимдир. 6 октябрь куни очилиши мўлжалланаётган съездга жозибадор программа ва ташкилий структуралар билан бориш муҳимдир. Назаримда, илгариги партком, унинг аппаратини ўтмиш юки босиб турарди, унга ўтмиш асорати халал берар эди. Улар нечоғлик яхши раҳбар бўлишмасин, бошқа партиялар янги шароитларда омма билан ишлашнинг самарали усулларини қидириб, «қувиб етаётганида», эскичасига сиёсий иш олиб бориб бўлмайди.

Шуни англаб олганимиздан кейин, деб уқтиради Ласло Вари, биз ВСИП ислоҳ этиш тўгаракларини очдик. Партия раҳбариятининг янги структураси лойиҳасини ишлаб чиқдик ва уни партия конференцияси делегатларига муқобил лойиҳа сифатида тақдим этдик. Ана шу программа ғолиб чиқиб, мен шу лавозимга сайланган эканман, бу кўп жиҳатдан биз учун кутилмаган ҳодиса бўлди. Лекин ана шунинг ўзиёқ ўзгаришлар лозимлиги ва мумкинлигидан далолат бериб турибди. Чунки ВСИП давр даъватига жавоб беришга қурби етишидан партиянинг барча аъзолари манфаатдордирлар.

Ҳамсуҳбатимнинг фикрича, қуйи партия ташкилотлари партияни янгилашнинг негизи бўлиши мумкин. Биз шундай партия бўлишини истаймизки, унда масалаларнинг ҳал этилиши ким гапираётганига эмас, қандай масала муҳокама қилинаётганига боғлиқ бўлсин. Область миқёсида раҳбариятнинг эмас, балки оддий аъзоларининг манфаатлари ўз ифодасини топиши керак. Партия ташкилотларига катта мустақиллик демакки, катта масъулият зарур. Агар партия ҳаракати ҳақиқатан ҳам демократик бўлса, у партия ичида фикрларнинг эркин айтилиши имкониятини берса, ана шу тақдирдагина партия катта мустақилликка эга бўлади ва масъулиятни ўз зиммасига олади. Марказда ҳамма учун бажариш шарт бўлган қарорлар қабул қилиш йўли билан эмас, балки ана шу қарорларга ҳамма ўз ихтиёри билан рози бўлиши орқали бирликка эришиш лозим. Қуйи партия ташкилотлари хўжалик жиҳатдан мустақил ва тенг ҳуқуқли бўлишлари керак.

Зала областидаги конференцияда ана шундай структуранинг бир варианти сифатида партком ўрнига область правлениесини тузиш, аппаратни қисқартириш ва обкомнинг илгариги бўлимларини тарқатиб юбориш таклиф этилди. Правление съездлар ва партия конференциялари ўртасида партиянинг олий сиёсий органидир. Область учун долзарб бўлган масалаларни ҳал этмоқ учун қуйи партия ташкилотларига таклифлар ишлаб чиқиш правлениенинг вазифасидир. Правлениенинг бевосита кўрсатмалар беришга ҳаққи йўқ. Правление жойлардан тушаётган барча фикр-мулоҳазаларни умумлаштириши лозим, бундан мақсад шуки, правлениенинг таклифлари барча партия ташкилотлари учун мақбул бўлсин ва бу ташкилотлар уларни ихтиёрий бажаришсин. Правление ўз фаолиятини доимий ёки вақтинчалик ишчи комиссиялар ёрдамида амалга оширади.

Правление ҳузурида оператив орган сифатида ВСИПнинг кам сонли мувофиқлаштириб турувчи бюроси ишлайди, мазкур бюрога область партия конференциясида сайланган, бошқа ишлардан ҳоли бўлган одам бошчилик қилади. У ёрдами зарур бўлган мутахассислар билан меҳнат шартномалари тузишга ҳақлидир.

— Мувофиқлаштирувчи бюро қандай ишлайди? — суҳбатга қўшилди шу бюро раҳбари Миклош Балог, — Биринчидан, биз правлениега хизмат қилишимиз керак, зиммамизга топширилган вазифаларни ҳал этишимиз лозим. Бюро ўз-ўзидан қуйи партия ташкилотларига кўрсатма бера олмайди, аксинча, унинг бутун фаолияти ҳам худди правление иши сингари бошланғич ташкилотларнинг назорати остида бўлади. Биз шуни уқиб олдикки, илгариги катта аппаратдан наф йўқ, мутахассисларни жалб этиш анча самаралидир. Ишни қуйидагича ташкил этганмиз: правление бирор-бир муаммони белгилаб олади, бюро эса ана шу муаммони ҳал этиш учун энг яхши олимлар ва мутахассисларни таклиф этади, агар зарур бўлса уларни Москвадан ҳам чақирамиз.

— Партия съездига тайёргарлик ҳозир биз учун энг муҳим вазифадир,—дейди Ласло Вари.—Бўлажак анжуман партия тарихида катта босқич бўлади. Делегатлар қандай программа ва қандай ғоялар билан сўзга чиқишлари жуда муҳимдир. Ҳозир шу ҳақда бош қотирмоқдамиз, вакилларимиз съездга олиб борадиган программани тайёрламоқдамиз. Съездга тайёргарликнинг иккинчи жиҳати ҳам бор, яъни биз ҳар кунги иш билан одамлар ишончини қозонишга, худди ана шу янгиланган ВСИПгина мамлакат олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга қодир бўлган куч эканлигига одамларни ишонтиришдир. М. С. Горбачев Совет Иттифоқида ўтказаётган сиёсат бизга куч-қувват бағишламоқда ва ибрат бўлмоқда. СССРда содир бўлаётган ўзгаришларнинг дадиллиги ва миқёси биз амалга ошираётган эксперимент учун шарт-шароит ва имконият яратади.

—Ласло, партиядан қониқмаган экансиз, нега энди бошқа баъзи кишилар сингари оппозиция лагерига ўтиб кетмадингиз?

—Эътиқод ҳақидаги масала — принципиал масаладир. Биз партия турмушининг айрим жиҳатларини нечоғлик танқид қилмайлик, ҳар қалай, ғояларнинг ўрни айричадир. Марксизмнинг фундаментал қоидалари, коммунистик таълимот, социалистик қадриятлар бор, Мен шулар тарафдориман. Коммунистик таълимотнинг негизи бўлган қадриятларни амалда рўёбга чиқаришга интилмоқдаман, мурод-мақсадимиз эски нарсаларни шунчаки бузиб ташлаш эмас, юқорида айтганимдек, янгиликларга интилишдир. Оппозиция эса принципиал жиҳатдан буржуазия жамиятининг қадриятлари ва ақидаларига таянмоқда. Агар ВСИП фаол ҳаракат қилмаса ўз сиёсати ва ташкилий структураларини халқ аксарият кўпчилигининг истагига мослаштирмаса ва аниқ-равшан программага эга бўлмаса, сиёсий ҳаётдан четлашиб қолиши мумкин. Биз, ислоҳотлар тўгарагининг аъзолари ўзгаришлар бўлишини ўйлаб, ҳаракат қила бошладик. «Биз қуйидан», демократик йўл билан социализм қадриятларини қарор топтиришга интилмоқдамиз, бундан буён ишни эскичасига юритиш мумкин эмаслигини уқиб олганмиз. Хўш, ВСИП ислоҳотлар тўгараклари ўзи қандай пайдо бўлди? Иш жуда енгил кўчди: кўпинча бир-бири билан дўст бўлган оддий коммунистлар биргаликда кафега йиғилиб ёки меҳмонда тўпланишиб ниманидир ўзгартириш керак, деган қарорга келишди. Шундан кейин ўзгача программалар ишлаб чиқила бошланди. Бизнинг Зала областимизда ана шундай программа амалга оширилмоқда. ВСИПни ислоҳ этиш тўгараклари — бу қуйидан ташаббус булоғининг очилишидир.

...ВСИП область комитети биносида бўлганимда, шунга қаноат ҳосил қилдимки, истаган киши бу ерга кириши мумкин экан. Кўпчилик, шу жумладан оппозициядаги партияларнинг вакиллари ҳам суҳбатлашиш, бирор-бир таклифни муҳокама қилиш учун бу ерга келиб турибдилар. Мен обкомда бўлганимда Венгрия халқ партиясининг маҳаллий раҳбарлари кириб келишди. Улар маҳаллий партия газетасида эълон чиқаришни илтимос қилишди. Хуллас, правлениенинг кўп таклифларини бир хил талқин этиб бўлмайди, ахир, Венгриянинг ўзида ҳам ВСИПни ислоҳ этиш тўгараклари ҳаракатини ҳар хил одамлар турлича баҳоламоқдалар.. Ҳамонки, Зала областида сиёсий ҳаётга доир энг янги, бокира таклифларни оппозиция эмас, ВСИП ўртага қўяётган экан, бунга аҳоли жуда қизиқиб қарамоқда. Ҳар қалай, ВСИП Зала областида ташаббусни ўз қўлига олди.

**Андрей КУКЛИН,**
**ТАСС мухбири.**
**Будапешт.**

# «Парле» фирмаси Тошкентда









СЎНГГИ йилларда Ўзбекистон — Ҳиндистон дўстлик алоқаси тобора кенгайиб ва мустаҳкамланиб бормоқда. Ҳозир шаҳримизда «Ганга» магазини, «Сангам» ошхонаси ишлаб турибди. «Тата» фирмаси пойтахтимиз марказида меҳмонхона қуриб беряпти. Яқинда яна бир хушхабар тарқалди. Чанқовбосди ичимликлар тайёрловчи «Парле» фирмаси вакиллари республикамиз буюртмачилари билан шартнома туздилар. Мутахассисларимиз Ҳиндистонда бўлиб фирманинг ҳаёти ва ичимликлар ишлаб чиқариш технологияси билан танишиб қайтдилар. Шуниси қизиқки, ичимликлар нафақат шиша идишларда, шунингдек чиройли қоғоз идишларда ҳам савдога чиқарилар экан. Бизда шулардан уч хилини тайёрлаш мўлжалланмоқда. Булар «Лимна» (лимонли ичимлик), «Мааза» (мевали ичимлик), «Гольд-Спот» апельсинли ичимлик)лардир.

— Фирма ҳозирча 150 минг шиша ва шунча идишга етадиган аралашма озуқани текинга юборди, — дейди 2-пиво заводи директори Темур Каримович Каримов. — Ундан ичимликлар тайёрлаб савдога чиқарилади. Агар аҳолига манзур бўлса кўплаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Иккинчи пиво заводида ичимликлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган линия корпусининг қурилиши 1988 йили октябрь ойида бошлаб юборилган эди. Қурилиш-монтаж ишларини «Узагрострой»га қарашли республика биринчи қурилиш монтаж трести олиб бормоқда.

— Қурилиш ишлари жуда ҳам сусткашлик билан олиб борилмоқда. — дейди 2-пиво заводи бош инженери Султонмурод Абдухолиқов. —Қурувчилар 814 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини ваъдалари бўйича 1989 йил 28 июнда бажариб комплекснинг биринчи навбатини фойдаланишга топширишлари керак эди. Кейин йигирма бешинчи августда топширамиз деб бизни иккинчи марта алдашди. Яқинда ҳиндистонлик дўстларимиз келиб кетишди. Улар олдида уятли бўлиб қолдик. Қурилиш ишлари қаттиқ назоратга олинмаса яна чўзилиб кетиши мумкин. Ваҳоланки, 1 сентябргача улар 814 минг сўм ўрнига бор-йўғи 394 минг сўмлик иш бажаришди. Аҳвол шу кетишда давом этса шартномачиларимиз олдида юзимиз яна қизариб қолиши ҳеч гап эмас. Бунёдкорлар бунинг масъулиятини чуқур ҳис этиб ҳаракат қилишмаса бўлмайди.

Ҳа, завод раҳбарларининг куйиниб гапирганларича бор. Маълум бўлишича, қурувчилар бир ишни охирига етказмай бошқасини бошлаб юборишар экан, ишчилар кўпинча материал йўқлигидан бекор ўтиришади. Бу бепарволик, ўзибўларчилик эмасми? Бунга ким жавоб беради? Масъулиятсизлик ҳам шунчалик бўладими?

Ичимликлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган автомат линиялар аллақачон олиб келинган. Улар завод ҳовлисида қурилишнинг битишини пойлаб ётибди. Қурилиш ишлари тугаши билан Италиянинг «Симонация» ва Ҳиндистоннинг «Форчун — интернейшн» фирмалари ўзаро ҳамкорликда линияни монтаж қилишга киришадилар. Ушбу линия тайёр бўлгач, бу ерда соатига 15 минг шиша ичимлик чиқариш мумкин бўлади.

**Ҳ. МИРЗАКАРИМОВ.**
**Муаллиф суратлари.**

# Ишчи кафолати

Тошпўлат Жавҳаров меҳнатнинг илғор усуллари, янги техникани жорий этиш, пардозлаш-қурилиш ишларини тўғри ташкил этиш йўлларини яхши ўзлаштириб олган. Шунинг учун ҳам уни Тошкент область территориал қурилиш бирлашмасидаги пардозлаш бошқармасида ташаббускор бригадир, дейишади.

Ўз касб сирларини мукаммал эгаллаб олган бу пешқадам қурувчи бошқарманинг илғор бригадаларидан бирига бошчилик қилади. Мана, қарийб ўн йилдан бери шаҳримиздаги қурилишларда тер тўкмоқда.

Ўнлаб ёшлар шарафли бинокорлик касбини ундан ўрганганидан фахрланишади.

Тажрибали мураббийдан фақат кейинги пайтнинг ўзида Т. Муҳсимов, Ф. Исомиддинов, Ф. Ёқубов каби бир қатор ёшлар пардозлаш сирларини ўрганиб олишди. Бригада аъзолари «Алгоритм», тўқимачилик комбинати, лак-бўёқ заводи, «Зенит», мотор заводи каби йирик саноат иншоотларидаги объектларни, шунингдек бир қатор турар жой биноларини «аъло» ва «яхши» баҳога фойдаланишга топширишган. Ҳозир коллектив бинокорлари «Ғалабанинг 40 йиллиги» массивида бунёд этилаётган саноат иншоотини сайқаллашмоқда. Иш сифати ва суръати ёмон эмас.

Ҳозир Тошпўлат Жавҳаровнинг ўзи 1990 йил ҳисобига меҳнат қиляпти. Унинг етакчилигидаги коллектив ўн иккинчи беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқларини Улуғ Октябрнинг 72 йиллигигача адо этишга аҳд қилган.

—Пешқадам бригадирнинг сўзи билан иши бир, — дейди бошқарма бош инженери Илҳом Алиев, — коллектив ўз мажбуриятини албатта бажаришига ишонаман. Бунга аҳил оиланинг 14 пардозловчиси кунлик зарбдор меҳнати кафолат беради.

**Д. ОБЛАЕВ.**

## Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон бўйлаб

⊙ ДУШАНБЕ. Тинчлик учун курашувчи «Френдшип форс» ташкилотининг делегацияси чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқалар совет жамияти уюшмасининг таклифига биноан Тожикистонга келди. Делегация аъзолари — америкалик бизнесменлар, хизматчилар, ўқитувчилар, уларнинг фарзандлари ўн кун мобайнида душанбелик оилалар ҳаёти ва турмуши билан, тожик халқининг тарихи ва маданияти билан танишадилар, республиканинг диққатга сазовор жойларини томоша қиладилар.

⊙ БУХОРО. Бухоро областидаги Зарафшон колхозининг партия ташкилоти чойхонада мунозара клуби ташкил этди. Тарғибот ишлари учун бундай қулай жой топиш қийин. Чунки қадимдан шарқ чойхонаси одамлар ўзаро суҳбат қурадиган севимли жой бўлган. Кишилар билан ана шундай яқиндан, норасмий суҳбатлашиш халқ орасида партиянинг обрўсини оширишга ёрдам беришга коммунистлар ишонадилар.

⊙ УСТЬ-КАМЕНОГОРСК. Югославиянинг «Лавчевич», «Планум» ва «Центрокооп» фирмалари билан маҳаллий қўрғошин-руҳ комбинати шартнома имзолади. Фирмалар 1992 йилгача бу ерда поликлиника, стационар, профилакторий, диагностика бўлими ва спорт-соғломлаштириш комплексини ўз ичига олган даволаш маркази қуриб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олди. Комбинат ўз шерикларига ҳақ тўлаш ўрнига асосий ишлаб чиқариш чиқитларини етказиб беради.

⊙ БЕКДАШ (Красноводск области). «Карабогазсульфат» бирлашмаси ва район маиший хизмат комбинатининг ҳамжиҳатлиги туфайли Приморье посёлкаси маиший хизмат кўрсатиш янги марказига эга бўлди. Бу ерда сартарошхона, кийим ва пойабзал тикадиган, ремонт қиладиган устахона, суратга олиш хонаси, кийимларни кимёвий тозалаш жойи, ижара пункти бор. Бирлашма ўзи учун бино қуриб олди, кадрлар ва жиҳозлар билан таъминлаш вазифаси эса комбинат зиммасига тушди.

**(ТАСС мухбирларининг хабарларидан).**

